

ЙЙЛОВЛАРДА БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ ВА ЭКОТИЗИМНИ ТАНАЗЗУЛГА УЧРАШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Б.Т.Шодиев ҚарМIIИ катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унда қоракўлчилик ширкат хўжаликлари, шунингдек яйлов-чўл ҳудудларида фаолият кўрсатаётган чорвачилик фермер хўжаликларини янада ривожлантириш тадбирлари белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 842-сонли қарорига асосан эса қоракўлчилик ширкат хўжаликларига ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш ҳамда таъминот йўналишидаги инфратузилма субъектларини, энг аввало зооветеринария хизмати кўрсатиш, сунъий қочириш пунктлари, кучли озуқали ем-хашак сотиш, зотли ва насли қоракўл қўй ва қўчқорлар сотишга ихтисослашган аукцион ўтказиш савдо шаҳобчаларини ташкил этиш каби кенг кўламдаги тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Қоракўлчилик ширкат хўжаликларининг самарали фаолияти энг аввало ўша ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг фаравон яшаши, қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Қоракўлчилик тармоғи тўғридан-тўғри табиатнинг ҳолати, табиий иқлимнинг йил фаслларида мос келиши ёки келмаслигига боғлиқ бўлади.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва эркинлаштириш талаблари, иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш

борасида амалга оширилаётган тадбирлар, энг асосийси, қорақўлчилик тармоғи иқтисодийтини барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида:

- чорвачилик ҳудуди учун зарур бўлган яйлов ерларини ҳимоя қилиш, улардан илмий асосланган тизим асосида фойдаланишни йўлга қўйиш, биохилма-хиллик ва экотизимни сақлаш ҳамда ривожлантириш бўйича амалдаги қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий қонун ости ҳужжатларини такомиллаштириш, янги йўналишдаги қонун ҳужжатларини қабул қилиш;

- тармоқда иқтисодий барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган таркибий қайта ўзгартириш тадбирларини амалга ошириш ва унинг ташкилий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, барча тадбирларни, чорвадор инсонларни юқори даражада ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратиш;

- тармоқда самарали институционал ислохотларни амалга ошириш яъни тармоқда самарали бошқарув тизимини шакллантириш, ҳар бир ҳудудда бошқарув тизими ва тармоқни ривожлантиришдаги манфаатдорлиги ўртасидаги узвий иқтисодий ҳамкорликни юзага келтириш;

- қорақўлчилик маҳсулотларини етиштираётган чорвадор мутахассислар ва тармоқ ходимларининг ўз меҳнат натижаларидан юқори моддий манфаатдорликларини таъминлаш;

- қорақўлчилик ширкат хўжаликларини самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур бўлган инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш асосида меҳнатга қобилиятли, маълумотли ёш мутахассисларни доимий иш билан таъминлаш;

- давлат томонидан қорақўлчилик ширкат хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, яъни қорақўлчилик ширкат хўжаликларига белгиланган ягона ер солиғи, қорақўл тери маҳсулотини мустақил биржа орқали экспорт қилиш, яйлов ерларининг ҳосилдорлигини ошириш ва таназзулга учраган ерларни тиклаш борасида мақсадли дотация ажратилишни йўлга қўйиш ва бошқа механизмларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таҳлиллар ва илгари сурилган фикрларга таянган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкин. Қоракўлчилик тармоғида иқтисодий самарадорликни ошириш учун мақсадли ҳар бир тадбирни ташкилий, молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ бажарилиши кафолатланган мажмуавий дастурларни тармоқ вазирликлари ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқирилиши ҳамда реал бошқарилиши нафақат тармоқ иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлайди, балки чўл-яйлов ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, яйловларда биохилма-хилликни сақлаш ва экотизимни таназзулга учрашини олдини олиш ҳамда чўлланишни бартараф этишга мустаҳкам пойдевор яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 842-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008.